

МАДАНИЯТ МУАССАСАСИ ТАЛАБАЛАРИДА ЛИДЕРЛИК СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Бектурсинова Гулмира Жолдасбаевна

(Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
Нукус филиали ўқитувчиси)

Абдуллаев Аймурза Биймурза улы

(Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
Нукус филиали талабаси)

Abstract. This article provides information on the propaganda work carried out in cultural institutions to train specialists who will contribute to the development of our state and society, the formation of leadership qualities among young people.

Keywords: Youth Union, development, leadership, education, culture.

Ўзбекистон Республикасининг замонавий миллий маданияти ва санъатини ривожланиши бевосита ҳозирги замон глобаллашув жараёни билан боғлиқ ҳолда юз бермоқда. Маданий-маърифий муассасаларда тарғибот-ташвиқот ишлари орқали биз талабаларга маданият ва санъат муассасалари фаолиятида миллий маънавий масалалари билан шуғулланиш, аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, кишиларнинг маданий эҳтиёжларини қондириш ва уларни маънавий бойитиш, инсон камолоти, миллат ва мамлакат ривожининг маданий, илмий ва тарихий асосларини асраб авайлаш каби устувор масалалар ҳақида амалий кўникмалар бериб бормоқдамиз.[5] Барчамизга яхши маълумки, ҳар бир давлатнинг барқарор тараққиёти ҳамда ривожланиши инсон омилига, хусусан, ёш авлоднинг илмий, ижодий ва маънавий салоҳиятига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этувчи мамлакатимизда ёшлар сиёсати самарадорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Бугун Ўзбекистонда ёшларнинг эзгу мақсадларини ҳаётга татбиқ этишлари учун зарур барча шароитлар яратилмоқда. Ёшлар муаммолари давлат сиёсати даражасида ҳал этилмоқда. 2017 йил 30 июнда мамлакатимиз ёшлари ҳаётида янги саҳифа очилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди, унинг асосий фаолияти ёшларнинг барча ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишга қаратилди.

Ёшлар иттифоқи томонидан ёшлар билан ишлашда мутлақо янги, илгари мавжуд бўлмаган механизмлар, метод ва услублардан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларда ижодкорлик, креативлик қобилиятларини янада ривожлантириш мақсадида қатор янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Янги ёшлар сиёсатини куришда мамлакатимиз Президентининг шахсан иштирокини алоҳида таъкидлаш зарур. Давлат раҳбари томонидан ёш авлодни шакллантиришнинг дастлабки палласида тарбия масалаларига, бошланғич, ўрта ва олий таълим ислохотига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшларни юксак ахлоқ ва интизомли қилиб тарбиялаш, уларнинг сифатли таълим олиши ва ватанпарварлик руҳида вояга етиши мамлакат иқтисодий ва сиёсий тараққиётининг калити ҳисобланади. Бу эса ижтимоий барқарорлик ва муваффақият асосидир.

Мамлакатимизда ёшлар жамиятда ўз ўрнини топишида уларни жисмонан бақувват ва ақлан баркамол қилиб тарбиялаш, турли хавфхатарлардан асрашда жамоатчилик назоратига эътибор қаратилиб келинмоқда. Жумладан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” деб номланган маърузасида ёшлар тарбияси масаласига тўхталиб, қуйидаги фикрларни илгари сурди: “Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устозмураббийлар, жамоатчилик, маҳалла бу масалада

хушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим. Бунинг учун ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига кулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак. Бу борада уюшмаган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.” Бундан кўринадики, ёшларнинг ижтимоий фаоллик позициясини оширишда уларнинг таълим-тарбиясига аҳамият қаратмоқ лозим.

Мамлакатни инновацион ривожлантириш стратегияси ва механизмлари унда яратилган интеллектуал ва илмий-техникавий салоҳиятдан самарали фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, таълим тизими негизида келажак авлод тақдири, давлат ва халқ манфаатлари мужассам.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, тараққий этиш йўлида жадаллик билан давом этмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинган барча қонун ва қарорлар, фармон ва фармойишлар, авваламбор, мана шу юрт, халқ ҳамда келажак эгалари бўлган ёшларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари учунлигини билиш муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизнинг тараққий этиши, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечиришида ёшларнинг билими, дунёқараши ва тарбияси алоҳида ўрин тутади.

Ёшларимиз, фарзандларимиз онги, тафаккурини ёт ва зарарли таъсирлардан ҳимоялаш, ички дунёсини комиллик сари йўналтириш орқали бўшлиқларни тўлдириш бугуннинг долзарб масалаларидан биридир. “Нега деганда, биз фарзандларимизнинг онги, дунёқараши асрлар давомида синовдан ўтган, юксак маънавият ҳазинаси бўлган жаҳон ва миллий адабиётимиз асосида эмас, балки қандайдир шубҳали, зарарли ахборотлар асосида шаклланишига бепарво қараб туролмаймиз”.[1] Қайси мамлакатда истеъдодли, фидойи ҳамда ижодкор ёшлар қанчалик кўп бўлса, ўша ерда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт кўзга ташланади. Келажакни ўйлаган давлат ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ижодий фаолиятга кенг йўл очиб беради.

“Ўзбекистон ёшлари - 2030” концепцияси лойиҳасида “кадрларнинг турли хил салбий вазиятларга чидамлилиги ва можароларни бошқариш каби қобилиятларини шакллантириш мақсадида психологик ва социологик тестлар ўтказиш ҳамда уларни тегишли раҳбар кадрлар захирасига киритиш тизимини ишлаб чиқиш” вазифаси белгиланганлиги ёш раҳбарларнинг ижтимоий-психологик компетентлигини юксалтиришни талаб этади.[2]

Бугун Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида жамиятнинг барча соҳаларида шиддатли ўзгаришлар даврини бошидан кечирмоқда. Ушбу даврда ёш, прогрессив фикрлайдиган ва салоҳиятли кадрларга катта эътибор қаратилиб, улар стратегик муҳим соҳаларга жалб этилмоқда. Мустақиллик даврида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинган. Бу борада мамлакатда кенг фаолият олиб бораётган Ўзбекистон ёшлари иттифоқи фаолиятининг асосий мақсади ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш йигит-қизларнинг ўз ақл-заковати, куч-ғайратини тўла намоён этиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шарт-шароит яратиб беришдан иборат, деб белгиланган.[3]

Ёшларда лидерлик қобилиятини шакллантириш давлатимиз ва жамиятимиз ривожига ҳисса қўшадиган мутахассислар етиштиришнинг муҳим шартларидан биридир. Лидерлик бу – мақсад ва вазифаларга эришиш йўлида жамоадаги ҳар бир кишининг ижодий куч ва энергиясини тўғри сарфлашга йўналтириш ҳамда руҳлантириш учун амалга ошириладиган саъй-ҳаракатлар жараёни. “Етакчи” сўзи инглиз тилидаги “leader” сўзининг таржимаси – “бошчилик қилувчи” маъносини англатади.[4] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан Ўзбекистон ёшларига йўллаган байрам табригида қуйидагиларни таъкидлайди: “Биз ёшларнинг мамлакатимиз ҳаётидаги демократик жараёнларда фаол иштирок этишига, уларнинг сиёсий ва ижтимоий салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу нафақат ёш авлоднинг, балки бутун халқимиз манфаатларини таъминлашга катта ҳисса бўлиб қўшилади”

Замонавий психология фани ўз ютуқлари орқали, лидерга хос фазилатлар табиати ва унга эришиш йўл-йўриқлари ҳақида етарлича маълумот бера олади. Шу муносабат билан лидерга хос бўлган

жихатларни уч тоифага киритишимиз мумкин: 1) жамоа манфаатларига йўналганлик; 2) касбий моҳирлик, ҳар қандай муаммоли вазиятда қийинчиликни ўз бўйнига олиш ва ишни охиригача ҳал этишда ташаббускор бўлиш; 3) эмоционал, ҳиссий жалб этувчанлик хислатлари. Юқорида санаб ўтилган хислатлар мажмуасининг кетма-кетлиги ҳам ўз мантиқига эга. Шахсдаги лидерлик қобилиятларини ривожланишида, аввало, оиладаги муҳит кучли таъсирга эга. Ўзига ишончи юқори, кенг фикрлайдиган, мулоҳазали нуқтаи-назарга эга, фаол, изланувчан, қатъиятли, ташкилотчилик сифатларининг шаклланиши оиладаги бола шахсига бўлган муносабатдан, унга бериладиган эътибор ва ишончдан келиб чиқиб шаклланади. Оилада ота-она ва бошқа оила аъзолари томонидан боланинг ҳар бир фикрини ҳурмат қилиб тингланиши, муносабатларини таҳлил қилиниши ва фаолиятига эътибор қаратилиши мустақил фикрлашига, ўзига бўлган психологик ишончининг юзага келишига имкон яратади. Лидерлик фаолиятида нотиклик, ораторлик қобилияти энг бирламчи таъсир воситаси саналади. Шахсдаги лидерлик фазилатлари кўпинча жамоавий муҳитда намоён бўлади. Кўпчилик орасида ўзини тутиши, ўзгалар ҳулки ва фаолиятини назорат қилиши, етакчи, аниқ фикрларни билдириши, жамоавий муҳитдан энергия олиши лидерликка хос хусусиятларни ифодалайди. Шу боис ёшларни гуруҳлар орасида ўрганиш, улардаги маълум сифатларни жамоа муҳитида шакллантириш энг муҳим имконият саналади.

Ёшлардаги лидерлик қобилиятини ўстиришда уларга масъулият ҳиссини юклатилишини тақозо этадиган вазифаларнинг берилиши, мустақил қарор қабул қилишни талаб қиладиган вазиятларни ҳал қилишни, мулоҳазакорлик, топқирлик, уддабуронлик билан кутилмаган вазиятлардан чиқа олишни тажрибаси, малакасида шакллантирилиши жуда катта аҳамиятга эга. Бунинг учун турли соҳаларда лидер-етакчи сифатида тан олинган, креатив фикрлаши, кучли психологик энергияси билан ажралиб турадиган машҳур лидерлар билан маҳорат дарслари ташкил этилиши бўлажак лидерларни мотивацияларини янада оширади. Келажакни кўра оладиган, ўзининг олдида аниқ мақсад қўйиб, мақсади сари доимий ҳаракатда, изланишда бўлган инсон лидер бўла олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент : Ўзбекистон, 2018.1-жилд. –529-бет.
2. “Ўзбекистон ёшлари – 2030” концепцияси лойиҳасида “кадрларнинг турли хил салбий вазиятларга чидамлилиқ ва можароларни бошқариш каби қобилиятларини шакллантириш мақсадида психологик ва социологик тестлар ўтказиш ҳамда уларни тегишли раҳбар кадрлар захирасига киритиш тизимини ишлаб чиқиш”35 вазифаси белгиланганлиги ёш раҳбарларнинг ижтимоий-психологик компетентлигини юксалтиришни талаб этади.
3. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг мақсад ва вазифалари. Электрон ресурс: <https://yoshlarittifoqi.uz/uz/menu/maqsad-va-vazifalar>
4. Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик. –Т.: Янги авлод, 2013. 294-б.
5. С.Тўйчиева маданият ва санъат муассасаларида тарғибот ташвиқотишлари. Ўқув қўлланма.Т-2020